Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

5 сентябрь, пайшанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 182 (1434)

# МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

## 4 СЕНТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛДИ.



Мажлисда БМТ шафелигида «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида 1996 йил августида Шимолий Каролина Штатида (АҚШ) ўтказилган «Кооператив оспрей-96» ҳарбий машқларида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тинчлик ўрнатувчи батальони (Марказий Осиё батальони) иштироки якунлари, шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги байрами тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда бу байрамнинг халқаро аҳамияти, Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Ушбу масалаларни муфассал муҳокама этиш мобайнида Марказий Осиё батальони взводининг Америка Қўшма Штатлари ҳудудида ўтказилган «Кооператив оспрей-96» машқларида иштирокининг муҳим аҳамиятга эга экани, бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Шимолий Атлантика блоки билан шериклик муносабатларини ривожлантиришда ҳамда халқаро майдонда давлатимиз обрўсини оширишда яна бир қадам бўлгани таъкидланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини байрам қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиш пайтида буюк соҳибқироннинг миллий давлатчиликни мустаҳакамлашдаги тарихий ўрни, ҳозирги пайтда буюк аждодимиз тажрибасини ўрганишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди. Мажлис иштирокчилари эътибори Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш масалаларига қаратилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: йиғилиш пайти.**

**Р. Шагаев олган сурат.**

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 СЕНТЯБРЬ КУНИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ РАҲБАРИЯТИ ҲАМДА БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Мулоқот чоғида одамлар қалбида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида гап борди.

Куни кеча бутун мамлакатимизда тантанали нишонланган Мустақиллик куни мазкур сана халқимизнинг чинакам миллий байрамига айланганини кўрсатди, деди Ислом Каримов. Бу халқимизнинг эртанги ёруғ кунларга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Биз одамларда маданият ва маънавият юксалгани, ўзлигини англаш туйғулари, Ўзбекистон менинг Ватаним, деган муқаддас тушунчалар ҳар бир ватандошимиз онгига теран кириб борганига гувоҳ бўлдик. Юртимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, тотувлик энг катта бойлик эканини барча англаб етгани, айниқса, қувонарли ҳолдир. Бу эса биз изчиллик билан амалга ошираётган ишларнинг натижаси, таъбир жоиз бўлса, энг катта ютуғимиздир.

Бу хайрли ишларга адабиёт ва санъат намояндалари, маданият арбоблари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Маънавият заҳматкашларининг меҳнати самарасини, иқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, бирон мезон билан ўлчаб бўлмайди. Буни фақат одамлар қалбидаги ғурурдан, уларнинг чеҳраси очиқлигидан англаш, ҳис этиш мумкин.

Суҳбатда халқимизнинг савиясини янада ошириш, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни инобатга олган ҳолда жамиятимизда демократиялаштириш жараёнларини кучайтириш, маданият ва маънавият муассасалари ишларини тағин ҳам такомиллаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст қатнашди.

**(ЎзА).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон халқи миллий байрами нишонланаётгани менга Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийлари, Сиз орқали Ўзбекистон халқига порлоқ истиқбол ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини мунтазам мустаҳкамлашни тилаб, қизғин, самимий истакларимни йўллаш имконини берганидан жуда мамнунман.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида битим имзоланиши муносабати билан бўлган самимий учрашувимиз ҳам доим эсимда ва мамлакатингизга ташрифим чоғида Сиз билан яна учрашиш имкониятини кутаман. Сиз жаноби олийларига шахсий бахт-саодат тилаб, энг яхши истакларимни изҳор этаман.

**Оскар Луижи СКАЛЬФАРО,**
**Италия Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Қирғизистон Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини миллий байрам Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Биз мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд анъанавий мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини жуда қадрлаймиз ҳамда Қирғизистон билан Ўзбекистон ўртасидаги самимийлик ва ҳамжиҳатликка асосланган ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият берамиз.

Икки томонлама муносабатларимизнинг истиқболи буюклигига ва биз халқларимизнинг бахт-саодати йўлида ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни амалга оширишимизга аминман.

Имкониятдан фойдаланиб, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва фаолиятингизда катта ютуқлар, ўзбек халқига эса тинчлик, осойишталик ва фаровонлик тилайман.

**Ҳурмат билан,**
**Асқар АКАЕВ,**
**Қирғизистон**
**Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини самимий табриклайман.

Сизга тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Озарбайжон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари халқларимизнинг фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверишига аминман.

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбайжон**
**Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Мамлакатингизнинг давлат байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларим ва энг яхши истакларимни қабул этгайсиз.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Словакия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверишига ва ривожланишига ишончим комиллигини изҳор этаман.

Сизга бўлган камоли эҳтиромимни қабул этгайсиз, жаноби олийлари.

**Михал КОВАЧ,**
**Словакия**
**Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига ва ўзбек халқига ўзимнинг энг эзгу ниятларимни билдираман.

Ҳар қандай халқ учун азалий орзу бўлган тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳар бир фуқарони моддий ва маънавий неъматлардан бахраманд қилиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизга барака тилайман.

Яратганнинг ўзи Сиз жаноби олийларини, ҳукуматингиз аъзолари ва Ўзбекистон халқини ҳамиша ярлақасин!

**Иоанн ПАВЕЛ II,**
**Рим папаси.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сэр,

Сизни ва Ўзбекистон халқини 1996 йил 1 сентябрь — мамлакатингиз мустақиллигининг беш йиллиги билан табриклаш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Ўзбекистон ўз истиқлол йўлидан бориб, илмий, технологик ва ихтирочилик фаолиятини ривожлантиришда улкан ютуқларга эришди, Жаҳон ақлий мулк ташкилоти (ЖАМТ) доирасида халқаро ҳамкорликка қўшилиб, замонавий маъмурий ва техникавий инфратузилмани ўрнатишда маҳаллий ва хорижий ихтирочилар ҳамда сармоядорларнинг ишончини қозонди.

Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик, жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорлик қилишни тилайман.

Сэр, самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Арпад БОГШ,**
**Жаҳон ақлий мулк ташкилоти бош директори.**

# ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

***4 сентябрь куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири Апас Жумагулов амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.***

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумагулов ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Яккама-якка суҳбатдан сўнг ҳар икки республика ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди.

Ўзбекистон Бош вазири мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганини қайд этар экан, бу борадаги ишларни янада авж олдириш, хусусан, иқтисодий интеграция жараёнини кучайтириш учун талай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Апас Жумагулов мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ривожланиш йўлига юқори баҳо берди. У икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада равнақ топтириш зарурлигини таъкидлади.

Делегациялар аъзолари Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида иқтисодиёт, транспорт ва ҳаво алоқаси, машинасозлик, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, сув ва минерал ресурслардан биргаликда фойдаланиш каби масалаларни муҳокама этдилар.

Музокаралар якунида ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида ишлаб чиқариш кооперацияси, халқаро автомобил алоқаси, ҳаво алоқаси, электр ва почта алоқалари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ва Қирғизистон Бош вазири Апас Жумагулов имзолади.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Қайим Ҳаққулов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов ҳозир бўлди.

Қирғизистон Бош вазири А. Жумагуловнинг мамлакатимизга амалий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

# «ВОҲИДОВ МЕРОСИ»

***Тошкентда академик Восит Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказида иш бошлаган жарроҳликнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференция шундай номланган. Унда республикамиз, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг таниқли тиббиёт олимлари, шифокорлар қатнашмоқда.***

Анжуман буюк фан ва соғлиқни сақлаш арбоби, академик В. Воҳидов асос солган ва бошчилик қилган жарроҳлик илмий марказининг 20 йиллигига бағишланди.

Анжуманни Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов очди. Сўнгги йилларда республикамизда тиббиёт фани анча ривожлангани таъкидланди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кўп мамлакатлардаги касбдошлар билан бевосита алоқа ўрнатиш имконияти пайдо бўлди ва бу ҳам илмий тадқиқотлар, ҳам турли касалликларни даволаш борасида ўзаро фойдали тажрибаларни айирбош қилишга кўмаклашди. Анжуманга тақдим этилган маърузаларда замонавий жарроҳлик олдида турган муаммолар, фан ютуқлари, энг янги тиббий асбоблар ёрдамида бу муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва имкониятлари акс эттан.

Шу ерда очилган кўргазмада учрашув иштирокчилари мамлакатимизда ва хорижий фирмаларда ишлаб чиқарилаётган янги тиббий асбоблар ва дори-дармонлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Анжуман ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев иштирок этди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БИРДАНИГА 72 ТА ЯНГИ ИНШООТ ТОПШИРИЛДИ

Жорий йил Самарқанд тумани меҳнаткашлари учун анча баракали келди: туманда пилла топшириш режаси 109 фоиз, ғалла режаси эса 139 фоиз қилиб уддаланди.

Мустақилликнинг 5 йиллиги арафасида туман меҳнаткашлари яна бир катта муваффақиятни қўлга киритдилар: давлатга 57 минг 720 тонна сабзавот топшириб, ҳар гектар ердан 450 центнердан ҳосил олдилар. Туман меҳнаткашлари давлатга яна 20 тонна сабзавот топширишни ният қилганлар.

Яна бир қувончли томони шундаки, туманда паррандачилик соҳасида ҳам бир қатор муваффақиятларга эришилмоқда: давлатга 36 миллион дона тухум топширилиб, белгиланган режа ошиғи билан бажарилди. Шу ўринда тумандаги бунёдкорлик ишларини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиз. Чунки самарқандликларга байрам туҳфаси сифатида бир-икки эмас, бирданига 72 та янги ишноот тортиқ қилинди.

# ПАХТАСАНОАТЧИЛАР «ОЛТИН ГЛОБУС» СОВРИНДОРИ БЎЛИШДИ

***Яқинда Америка Қўшма Штатларидан Наманган вилояти пахта саноати ходимларига қувончли хушхабар келди.***

«Наманганпахтасаноатсотиш» бирлашмаси ўзининг рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлари билан республика иқтисодиётига ва жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшган муносиб улуши учун халқаро «Олтин глобус» совринига сазовор бўлди.

Бу соврин америкалик хусусий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар ташаббуси билан яратилган бўлиб, Шарқни ривожлантириш Фонди томонидан таъсис этилган. Ҳар йили ушбу фонд ташаббуси билан ташкил этилган эксперт комиссияси, савдо-саноат палаталари, вазирликлар ва конкурсда қатнашувчи бошқа давлатларнинг ташкилотлари тақдимномалари бўйича халқаро «Олтин глобус» совринининг лауреатларини аниқлайдилар.

Наманганлик пахтасаноатчилар ана шундай юксак совринга муносиб кўрилди. Сабаби улар ўтган йили чет эл фирмаларига қарийб 55 минг тонна юқори сифатли пахта толаси сотиб, хорижлик истеъмолчиларни хушнуд этгандилар.

Бунинг яна бир омилларидан бири наманганлик пахтасаноатчиларнинг «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси томонидан пахта толаси сифатини халқаро сертификациялаш ва стандартлаш усулида баҳолаш, қайта ишлаш, технологияни мукаммаллаштириш юзасидан олиб бораётган ишларни тўлиқ ўзлаштириб олганлигининг самарасидир. Буни уларга берилган халқаро «Олтин глобус» совринини тўлиқ тасдиқлайди.




# АТРОФДАГИ БИНОЛАР ШИКАСТЛАНДИ

***РАБОТ. Жазоир пойтахтида яна бомба портлатилди. Натижада бир киши ҳалок бўлиб, 10 дан ортиқ киши жароҳатланди.***

Ахборот маҳкамаларининг таъкидлашича, бомба машинага ўрнатилган бўлиб, марказий меҳмонхоналардан бирининг қаршисига қўйиб кетилган экан. Портлаш натижасида меҳмонхона ва шу атрофдаги биноларга шикаст етган.

Жазоирдаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари бу ишда ҳозирги ҳукуматга қарши қўпорувчилик йўли билан курашаётган мутаассибчиларни айблаётир.

# ОКИНАВАЛИКЛАР ТАЛАБИ

***ТОКИО. Окинава аҳолисининг катта қисми Жанубий Япония префектураларида жойлашган АҚШ ҳарбий базаларини қисқартиришни талаб қилмоқда.***

Маълум бўлишича, 28-29 август кунлари ўтказилган оммавий сўровларда окинаваликларнинг 73 фоизи ушбу префектурадаги АҚШ ҳарбий базалари мавқеини белгилаш ҳақидаги икки томонлама битимни қайта кўриш лозим, деган фикрни билдирган. Ахборот маҳкамаларнинг хабар беришича, 8 сентябрь куни Окинавада АҚШ ҳарбий базаларини қисқартириш масаласига бағишланган референдум бўлиб ўтади.

# МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

***БОНН. Германия мудофаа вазири Фолькер Рюе бошчилигидаги делегация 3 кунлик расмий ташриф билан Қуддусга келди.***

Музокараларда икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, Яқин Шарқдаги хавфсизлик масалалари муҳокама этилади.

# РАСМИЙ ВАКИЛ БАЁНОТИ

***ПАРИЖ. Ироқ армиясининг мамлакат шимолида ҳозир бўлиши БМТ Хавфсизлик кенгашининг резолюциясига зид келмайди, дея баёнот берди Франция ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили.***

Шунингдек, у Франция 1991 йил қабул қилинган мазкур резолюцияга Боғдод тўла риоя этишини талаб қилади, деди.

# ШИКОЯТ НЕГА ЁЗИЛАДИ?

## Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ижроси хусусида мулоҳазалар

***Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, ваколати, давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи ўз ифодасини топган. Унда мурожаатларнинг қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги ҳам алоҳида таъкидланган.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилнинг 6 майида Конституциянинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳар бир шахснинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, муассаса ва ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқини акс эттирувчи асосий тартиб-қоидаларни белгилаб берди. Қонуннинг 18-моддасида ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси кишиларнинг хат, ариза ва шикоятларга алоҳида эътибор бериш, унда кўтарилган масалаларни ҳал этиш, умуман, қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш йўли билан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини кўриш прокуратура идоралари зиммасига юклангани кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, прокурорлар ҳар бир ариза ва шикоятларни қараб чиқиш, фуқароларнинг, шунингдек ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини таъминлашга масъулдирлар. Конституция ва тилга олинган қонун талабларини бажариш, прокуратура ходимларидан алоҳида қатъиятлилик, билим ва малака талаб қилади. Жумладан, ҳар бир ариза муаллифини қабул қилишдан тортиб унинг важларини синчиклаб текшириб чиқиш, мазкур вазифаларнинг бошқа давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, манфаатдор ваколатли шахслар томонидан бажарилишини назорат қилиш, барча табақадаги фуқаролар ҳамда инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги чораларини кўриш, пировард натижада ҳар қандай ҳолатда қонуннинг устиворлигини таъминлаш уларнинг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини талаб даражасида билмасликлари оқибатида қайси идорага мурожаат қилишда қийналадилар. Тегишли бўлмаган идораларга югуравериб, сарсон бўлиб юрадилар. Уларнинг аксарияти, билиб-билмасдан барча масалалар бўйича прокуратура органларига хат йўллайдилар. Жумладан, 1995 йилни 6 ойи давомида республика прокуратурасига 4737 та ариза тушган бўлса, 1996 йилнинг биринчи ярмида прокуратура органлари фуқаролардан жами 6080 та ариза олган, яъни бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 28,4 фоизга ошган. Аризалар синчиклаб ўрганиб чиқилганда уларнинг 20 фоизи бошқа ташкилот ва идораларга тегишлилиги аниқланди.

Хўш, нега шундай? Фуқароларнинг прокуратура органларига кўп мурожаат қилишларининг сабаби нимада?

Бунинг учун «Америка очиш» шарт эмас. Сабаби оддий. Биринчидан, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими саёзлигида, уларнинг қонуний ҳужжатларга қизиқмаслигида бўлса, иккинчидан, қатор давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, манфаатдор ваколатли шахсларнинг ҳам фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунни билмасликлари, билсалар-да уларга эътиборсизлик ёки совуққонлик билан қарашлари оқибатидир.

Жумладан, Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида жойлашган 2-медицина-санитария қисмида фуқаро Н. Кобецо ва У. Аҳмедоваларнинг дори-дармон ололмаётганлиги ҳақидаги аризалари рўйхатга олингандан сўнг 30 кун ўтгач ижрочига берилган. Қолаверса, ариза қандай ҳал қилингани ҳақида муаллифларга жавоб берилмаган. Натижада «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 2—7-бандлари қўпол равишда бузилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда аниқланишича, туман ҳокимиятига мурожаат қилган фуқаро С. Жуманиёзметов, Р. Кенжаев, Гулимов ва бошқаларнинг аризалари 40-70 кунлаб ўз ечимини тополмаганиги аниқланган, яъни «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги» Қонуннинг 2 ва 11-бандлари бажарилмаган. Бундай қонун бузилишига Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Тахиатош шаҳарлари ҳамда Мўйноқ, Шуманай туманлари ҳокимликларида ҳам йўл қўйилган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда таъкидланишича, фуқаролар ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаб, давлат органларига, жамоат бирлашмаларига мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат қилишлари мумкин.

Давлат ва жамоа бирлашмаларининг ваколатли органлари бузилган ҳуқуқларни тиклашга ҳақлидирлар.

Мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф, ариза ва шикоятлар моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган мурожаатлар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Мурожаатлар эса уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш учун жамоа бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек барча даражадаги депутатларга йўлланади.

Белгиланган тартибда берилган мурожаатлар кўриб чиқилиши шарт. Мурожаатларни қабул қилишни рад этиш таъқиқланади.

Башарти, мурожаатларда уларни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатиш учун зарур маълумотлар акс эттирилмаган бўлса, улар тегишли тушунтиришлар билан ариза муаллифига қайтариб юборилади. Қонунга мувофиқ, фуқароларни ва уларнинг оила аъзоларини улар мурожаат қилиш воситасида ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқараётганликлари ёки ҳимоя қилаётганликлари учун таъқиб остига олиш ман этилади.

Аризаларнинг ҳар томонлама, холисона, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва натижаси тўғрисида муаллифларга маълум қилиниши шарт. Агар аризага рад жавоби бериладиган тақдирда, рад этишнинг сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади.

Юқори турувчи давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг, мансабдор шахсларнинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда судга шикоят қилишлари мумкин.

Фуқароларнинг туҳмат ва ҳақорат руҳидаги ёхуд миллий адоват қўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват қилувчи мурожаатлари қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот фуқароларнинг атайин сохта маълумотлари баён этилган мурожаатларини текшириши туфайли қилган харажатлари суднинг қарорига биноан ариза муаллифидан ундириб олиниши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этилиши устидан назоратни давлат ҳокимият органлари, шунингдек, ўзларига бўйсинувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар таъминлайдилар. Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳамда унга бўйсинувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Хўш, шикоят нега ёзилади? Бу ўта жўн ва айни вақтда жуда мураккаб савол. Назаримизда, шикоят даставвал, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг фуқаролар билан мукаммал ишлай олмаганликлари, уларнинг ҳақли талабларини биринчи босқичдаёқ ҳал этмаганликлари ёки буни хоҳламаганликлари, қолаверса, фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунни ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билмаганликлари туфайли дунёга келади. Бу эса кўплаб югур-югурга, оворагарчиликка, қанчалаб сарф-харажатга сабаб бўлади.

**О. МУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси фуқароларни қабул қилиш ва аризаларини кўриб чиқиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**





Уйчи туман деҳқон бозори қайта таъмирланиб сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар муҳайё этилди. | Суратларда: бозорнинг ташқи ва ички кўриниши.

Т. Маҳкамов олган суратлар.

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

# ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ БОЙИСА...

## Қўшимча иш жойлари барпо этилади, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш таъминланади

***Бозор иқтисодиёти талаблари тақозоси туфайли бугунги кунда хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг миқдори эмас, балки сифат кўрсаткичлари диққат марказда турибди. Бир сўз билан айтганда, бу долзарб жараён ҳам чуқурлашди, ҳам кенгайди — янгича сифатий жиҳат касб этди. Олти ойлик иш якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда юртбошимиз Ислом Каримов буни алоҳида таъкидлаб ўтди.***

Хўш, бозор иқтисодиёти структурасини шакллантириш ва ривожлантириш борасида Жиззах вилоятида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Агар 1993 йилда вилоят ҳудудида 2294 корхона ва ташкилот мавжуд бўлиб, шуларнинг 55 фоизи мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилган бўлса, бугунги кунда корхоналар сони 4970 тага етдики, унинг 87 фоизи нодавлат секторда фаолият кўрсатмоқда.

Ёки бундан икки йил бурун бор-йўғи ўттиз иккита акционерлик жамияти тузилганини эсласак ҳозир 195 та шундай жамиятнинг юз саксон тўрттаси ўз акцияларини чиқараётир.

Ўтган йиллар давомида, шунингдек, 1544 та ёки давлат дастурида белгиланганидан етмиш битта кўп объект хусусийлаштирилди. Фақат бултурнинг ўзида 836 та фермер хўжалиги рўйхатдан ўтказилиб, олти минг кишига янги иш жойлари яратилди. Мавжуд 92 та чорвачилик фермасининг 88 таси ҳам хусусийлаштирилган бўлиб, улар вилоятда етиштирилаётган жами гўшт-сутнинг 17 ва 36 фоизини етказиб бермоқда.

Айни чоғда туманларда ташкил этилган тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палаталарининг моддий қўллаш дастури доирасида қисқа муддатда «Мадад» суғурта агентлигининг кафолати билан «Бизнес-фонд» жамғармаси тадбиркорларга 24 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берди. Бунинг йигирма саккиз фоизи саноатга, олтмиш тўрт фоизи эса қишлоқ хўжалигига йўналтирилди.

Шунга қарамасдан, ярим йиллик якунига бағишланган йиғилишда аҳоли жон бошига истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми Жиззах вилоятида республика кўрсаткичидан анча пастлиги ҳаққоний танқид қилинди. Бундан тўғри хулоса чиқарилиб, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тадбирлари белгиланди. Эришилаётган дастлабки натижалар бу соҳада туб бурилиш ясалишидан дарак бериб турибди. Хусусан, мустақиллик йилларида, яъни беш йил давомида ишга туширилган саноат корхоналари кундалик эҳтиёж моллари турини кўпайтириш йўлига ўтаётгани қувончли ҳолдир.

Ҳар йили ўн минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Жибри» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида кунжара ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Дастлабки 4227 тонна шундай маҳсулот маҳаллий истеъмолчиларга етказиб берилди.

Истеъмол бозорини маҳсулот билан таъминлаш мақсадида кўпчилик саноат корхоналари ишлаб чиқаришни маҳаллий хомашёга мослаштираяпти. Пластмасса заводида қумдан чинни буюмлар, ғўзапоядан эса қипиқтола плиталари тайёрланмоқда. Қўйтош конида ўн турдаги маҳсулот, жумладан, рўзғор учун энг зарур чистол, охра, хўжалик совуни, Жиззах таъмирлаш заводида арава, кетмон, томорқа учун панжара, Зомин электромеханика заводида қишлоқ эҳтиёжи учун «Т-4А» тракторининг эҳтиёт қисмлари, «СК-5» комбайнларига йигирма тўрт хил шнек-кабеллар тайёрлашга киришилди.

Бу ишлар, асосан, кўп укладли иқтисодни шакллантириш асосида амалга оширилди. Саноат корхоналарининг нодавлат мулк шаклига ўтказилиши, янгидан кичик ва қўшма корхоналар очилиши, шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар сони кўпаяётгани, чет эл инвесторларининг жалб этилиши бу ўзгаришларнинг омили бўлди.

Натижада, бундан тўрт йил муқаддам нодавлат секторининг саноатдаги улуши икки фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич салкам тўқсон фоизга тўғри келяпти.

Қишлоқда хусусий тадбиркорлик ва сервис хизматларини ривожлантириш мақсадида «Жиззахсут» акционерлик жамияти томонидан ташкил этилган «Корхона-маҳалла-иқтисодий ҳудудлар» амалий иш тажрибаси вилоятда кенг оммалаштирилаяпти.

Келгусида истеъмол молларини ишлаб чиқаришни икки-уч баравар кўпайтиришга имконият ва кафолат бор. «Вемскс-Хондель-Глебк» фирмаси билан воҳада юксак самарали «Ноу-хоу» чет эл технологияларини олиб келиш тўғрисида шартнома тузилди. Шунга кўра, тўртта соатига 250 шиша маъдан суви қуйиш жиҳози, суткасига 500 килограмм колбаса чиқарадиган 10 та кичик цех, бешта нон, бешта сутни қайта ишловчи ихчам заводлар, тўртта «Кетгуп» томат пастаси линиялари қуришга киришилди. Германиянинг «Винклер» фирмаси билан ҳамкорликда олтита тоғ ва дашт туманларида лойиҳа қиймати 71,7 миллион сўмлик бўлган нонвойхоналар ва қандолат цехлари жадал қуриляпти. Шунингдек, немис тадбиркорларининг «Вимекс» фирмаси кўмагида икки йил давомида қишлоқ деҳқонлари етиштираётган мева-узум, сабзавот-полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган 87 та кичик корхона қуриб битказилади. Уларда қўшимча тўққиз юз ишчи ўрни яратилади.

Вилоятда эндиликда 1573 та хусусий, 619 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар бу корхоналарни ташкил қилиш билан биргаликда уларда ишлайдиган кадрларни тайёрлашга ҳам эътибор бердилар. Бунинг учун қишлоқ ҳунар-техника билим юртларидан учтаси бизнес мактабига, саккизтаси ҳунар дицейига айлантирилди. Уларда бозор иқтисодиётига мос 20 йўналиш бўйича 1300 дан зиёд ёшлар ўқитилаяпти.

Иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Хўжаликларни нодавлат мулк шаклига ўтказиш топшириғи юз фоиз адо этилди. Ислоҳотлар натижасида уларда бошқарув аппарати ходимлари сони қарийб уч мингтага қисқартирилди.

Айниқса, аҳолининг дон, сабзавот, полиз, мева-узум, гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаби юз фоизга қондирилган бўлса, гўшт ва тухумга эҳтиёжи саксон беш фоизга етказилди.

**Ҳайитбой НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Сурхондарё электралоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси аҳолига хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида индонезиялик мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш юзасидан битим имзоладилар.***

# ҚЎШМА КОРХОНАГА АСОС СОЛИНДИ

*Ушбу битимга мувофиқ Термизда қўшма корхона иш бошлайди. Ҳозир зарур асбоб-ускуна ва дастгоҳлар хориждан келтирилмоқда. Уларни ўрнатиш ишлари эса тез орада бошлаб юборилади.*

***Ўктам ДЎСТЁР.***

# «ЕТТИ ЎЛЧАБ БИР КЕС»

## ЙЎҚСА БАРМОҚ ТИШЛАБ ҚОЛАВЕРАСАН...

***Ушбу халқ мақоли кимга қаратилганлигини билмадигу, аммо ўтган йили дон сотиш режасини Олот туманида биринчи бўлиб уддалаган «Амударё» жамоа хўжалигида бу йил аҳвол чатоқ.***

137 гектар майдонга экилган буғдой барҳорда юз фоиз кўчат бермади. Бу ҳам етмагандек, вақтида парвариш қилишга эътибор берилмаганлиги боис 33 гектар майдондаги майсани совуқ уриб кетди. Ғалвир сувдан кўтарилганда, 137 гектар майдондан 58 тонна дон олингани маълум бўлди. Бу гектаридан ўртача 6 центнердан ҳосил олинди, деган гап. Белгиланган режа эса 30 фоизга бажарилди, холос.

Хўжаликнинг баъзи бригадаларида ҳар гектар ердан 2 центнердан ҳосил олинганини изоҳлаш жуда ҳам қийин. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу ерлардан ҳатто экилган уруғ миқдоридан ҳам кам ҳосил олингани кўриниб турибди.

Тўғри, ишда йўл қўйган камчиликлар учун жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Болтаев ишдан бўшатилди. Лекин 137 гектар майдон бир йил давомида ҳосил бермади ҳисоб. Унга сарфланган ўғит, сув, техника воситаларининг харажатини айтмайсизми? Булар қайси ҳисобдан қопланади? Яна деҳқоннинг чўнтагиданми?

Юқорида келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, бугун бозор иқтисодиёти шароитида «Етти ўлчаб бир кес», деган халқ мақолига барча раҳбарлар амал қилиши шарт. Бўлмаса, «Амударё»ликлар бармоқ тишлаб қолишлари ҳеч гап эмас.

**Б. АСАДОВ.**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

*«Халқ сўзи»га мактуб*

# ЛОҚАЙДЛИК

*«Бизнинг Қамаши туманидаги Қоратепа жамоа хўжалиги ҳудудида учта таянч ва тўртта ўрта умумтаълим мактаб мавжуд.*

*Республика Президентининг Фармонларига асосан, маориф ходимларига бир қатор имтиёзлар берилган. Масалан, улар белгиланган миқдорда кўмир билан бепул таъминланиши керак. Биз бир неча йилдан бери кўмир ололмаймиз. Имтиёзли равишда газ билан таъминланишимиз керак эди. Мана икки йил бўлдики, газдан умидвор бўлиб юрибмиз. Муаллимларга электр токи учун ҳам имтиёзлар берилган. Аммо электр масаласида ҳеч нарсага тушунолмаяпмиз. Электрнинг 1 кВт 1 сўм 20 тийин бўлганда, бизга ўтган йилги 1 кВт 30-70 тийин бўлган даврдаги нарх билан пул ўтказа бошлашади. Натижада давлат имтиёзи билан ўтказилган сумма мос келмай қолади ва биз бир ойлик электр энергиясининг ҳақини имтиёзли равишда, қолган ойларга ҳали қўлимизга келиб тегмаган маошимиздан тўлашга мажбур бўляпмиз.*

*Президентимиз Қаршига келиб сессияда сўзлаган нутқида маориф ва медицина ходимларининг кўп пуллари ноқонуний йўллар билан ўзлаштирилганини, келажакда бу иш учун айбдорлар жавоб бериши кераклигини уқтирган эдилар-ку...»*

***Қоратепа жамоа хўжалиги ҳудудидаги ўқитувчилар жамоаси (жами 170 имзо).***



***Шеробод туманидаги Н. Муродов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари терим машиналарини тахт қилиб қўйишди.***
***СУРАТЛАРДА: механизаторлар Х. Иброҳимов ва С. Омоновлар техникани кўздан кечиришаяпти; участка бошлиғи Р. Бобоқулов.***
***И. Хўжаев олган суратлар.***



*Ғалла мустақиллиги йўлида*

# РИЗҚИ ҲАМ ҚАЛБИДЕК ПОК...

**— Бу йил воҳамиз, жумладан, туманимизда ҳар қачонгидан мўл ғалла ҳосили етиштирилди, — дейди Қўшкўпир ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмасининг Қўшкўпир қабул қилиш-таянч пункти раҳбари Рустам Бобожонов.**

***Эндиги вазифа уни ун тегирмонларига ўз вақтида, нест-нобуд қилмай етказиб беришдан иборатдир. Тайёрловчилар бу борадаги масъулиятни тўла ҳис этиб ишлашаяпти.***

Дарҳақиқат шундай. Жорий йилда омборларга 10 минг тоннадан кўпроқ миқдорда ғалла саронжомланди. Унинг асосий қисми янги, юқори сифатли буғдой навларидан олинган ҳосилдир.

Юртимизда дон сероблигини таъминлаш йўлида хайрли ишлар қилинмоқда. Бундай вазиятда асосий эътибор омборларда жамланган бойликни кўз қорачиғидек асраш ва тежаб-тергаб ишлатишга қаратилмоғи лозим. Зеро, меҳнатга ҳамиша камарбаста ва фидокор халқимизнинг ризқи ҳам қалбига монанд тоза, ҳалол ҳамда покдир. Қабул пунктига ҳосил топширган ғаллакорлар меҳнати ўз вақтида рағбатлантирилмоқда. Давлатга ҳаммадан кўп ва сифатли ҳосил сотган «Амир қум», «Гулистон», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг деҳқонлари мўмай даромад олишгани бунинг далилидир.

Айни кунда мавжуд дон омборлари саҳни кенгайтирилиб, қўшимча омборхоналар бунёд этилаяпти. Шунингдек, жамоа аъзоларининг иш ва дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

Республикамизда инфляция даражасининг пасайиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви 1996 йил 1 сентябрдан аҳолининг омонатлари бўйича фоиз ставкаларини қуйидагича белгилади.

**Талаб қилиб олингунча 20% йиллик**

Муддатли:

| | |
|---|---|
| **1 йилдан 3 йилгача** | **40% йиллик** |
| **3 йилдан 5 йилгача** | **45% йиллик** |
| **5 йил ва ундан ортиқ** | **50% йиллик** |
| **Мақсадли болалар омонати** | **55% йиллик** |
| **Кўрсатувчига** | **20% йиллик** |
| **Муддатли кўрсатувчига** | **40% йиллик** |
| **Ўқувчи** | **30% йиллик** |
| **Омад** | **20% йиллик** |
| **Рағбат** | **4% бир ой учун** |

**CUKURS BIZNESS**
**ЦУКУРС-БИЗНЕС**
***омонатчилари диққатига!***

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов бошқармаси "Цукурс-бизнес" МЧЖ раҳбарларига оид ишни тергов қилаяпти. Чунки, улар шартнома бўйича қанд-шакар олди-сотдисидан жамият кассасига тушган маблағни ўзлаштириб олган эдилар.

**"Цукурс-бизнес" МЧЖ билан Тошкет шаҳрида шартнома тузган, аммо ҳали давогарлиги қонуний эътироф этилмаган Ўзбекистон фуқаролари тузилган шартнома бўйича маблағ ва қанд-шакарни кимдан олган-олмаган бўлишларидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ИИВ аввалдан тергов ўтказиш жойи -**

***Наврўз кўчаси, 1, ички тел.: 35-36 га мурожаат қилишлари зарур.***

**Ҳужжатлари терговчилар томонидан мусодара қилинганларнинг мурожаат қилишлари шарт эмас.**

*«Президент кубоги» турнири кундалиги*

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОДИМЛАШЯПТИ

**«Президент кубоги» учун учинчи халқаро теннис турнирининг яккалик баҳслари бўйича 1/16 финал ўйинлари ниҳоясига етди. Агар аввалги йиллардаги икки турнир натижаларига назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз теннисчилари бу йилгидек муваффақиятли ўйин кўрсатишмаган эди. Бир йўла уч нафар теннисчимизнинг нимчорак финалга йўлланмани қўлга киритганлиги фикримизнинг далилидир.**



Айниқса, энди 19 ёшни қоралаган, ПТА рўйхатида 618-ўринни эгаллаб турган ҳамюртимиз Вадим Куценконинг италиялик Лауренс Тилеманни катта устунлик билан енггиши турнирнинг ўзига хос «сенсация»си бўлди. Зеро, Тилеман жаҳон теннисчилари рўйхатида Куценкодан қарийб 450 поғона, яъни 187-ўринни эгаллаб турган, «Президент кубоги» учинчи халқаро турнирининг «олтинчи ракеткаси соҳиби» ҳисобланаётган теннисчи эди. Вадим турнирга афсонавий теннисчи Александр Метревели қўл остида тайёрланди. Уни мусобақадан бўшаган вақтлари ҳам тез-тез «Юнусобод» теннис мажмуининг ёрдамчи кортларида Метревели билан машғулот ўтказаётган ҳолатда учратиш мумкин. Ана шу пухта тайёргарликнинг самараси ўлароқ Вадим италия теннисчиси билан учрашувда жуда енгил ҳаракат қилди. Айниқса, унинг тўрга яқин бориб ўйин кўрсатиши кўпроқ муваффақият келтирди ва ҳар икки сетда ҳам фақат иккитадан геймни бой берган ҳолда рақибини мағлубиятга учратди. 1/8 финалда ҳамюртимизни франциялик Жером Хангуез кутмоқда. Хангуез ПТА рўйхати бўйича



жаҳон-нинг 253-кучли теннисчиси ҳисобланади. У дастлабки учрашувда ўзидан кучли ҳисобланган италиялик Даниел Балдуккини мағлубиятга учратган эди. Мутахассисларнинг эътироф этишича, Куценко дастлабки учрашувдагидек ўйин кўрсатса, Хангуезни ҳам ютиши мумкин.

Мамлакатимизнинг энг кучли теннисчиси Олег Огородов эса Куценкодан фарқли ўлароқ, турнирга мураббийсиз, мустақил равишда тайёргарлик кўрди. Бу, албатта, унинг ўйин кўрсатишига таъсир қилди. Олег дастлабки учрашувида ўзидан қарийб юз поғона қуйи ўринда турган италиялик Фабио Маггини қийинчилик билан ютди. Айниқса, иккинчи сет унинг учун оғир кечди. Биринчи сетда 6/4 ҳисобида ғолиб чиққан Олег иккинчи сетнинг биринчи геймини ҳам ўз фойдасига ҳал қилди. Кейин... тўсатдан кетма-кет бешта геймда мағлубият-га учради. Ҳатто шундай вазият ҳам вужудга келдики, битта хато Олегнинг иккинчи сетда мағлубиятга учратишига олиб келарди. Ана шундай оғир вазиятда Олег ўзини қўлга олди ва еттинчи геймни ўз фойдасига ҳал қилди. Ҳисобдаги фарқ бироз қисқарди — 2/5. Шундай бўлса-да, Олегни битта геймда мағлуб бўлиши, сетни бой беришга олиб келиш хавфи таъқиб этиб турди. Шу лаҳзаларда ҳамюртимиз бежизга турнирнинг «иккинчи ракеткаси соҳиби» ҳисобланмаётганлигини исбот этиб, ҳақиқий профессионалларга хос хотиржамлик ва ўта ҳушёрлик билан ҳаракат қилиб, яна уч геймда ғолиб чиқди ва ҳисобни тенглаштирди — 5/5. Марказий кортда Олегга мухлислик қилаётган мухлислар ҳам енгил нафас олишди, чунки бир геймдаги мағлубият севимли тен-



нисчисининг сетни бой бериб қўйишига олиб келиш хавфи бартараф этилган, икки геймдан сўнггина сет ғолиби аниқланиши мумкин бўлган вазият юзага келганди. Кетма-кет тўртта геймда ғолиб чиққан Олег 11-геймни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди - 6/5. Энди ҳар бир хато мағлуб бўлишга олиб келиш хавфи Италия теннисчисини таъқиб эта бошлади. Бу вазиятда Магги ҳам ўзини қўлга олиб, Тошкентга бекорга келмаганлигини исботлади ва ҳисоб тенглашди — 6/6. Тай-брейкда эса ҳамюртимиз Маггига ҳеч бир имконият қолдирмади ва учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. 1/8 финалда Олегни август ойининг охирида Самарқандда ўтказилган халқаро «челленжер» турнирининг ғолиби испаниялик Жуан-Антонио Марин кутаяпти. Эслатиб ўтамиз, Самарқанд челленжер» турнирида Олег Огородов «биринчи ракетка соҳиби» сифатида қатнашган ва дастлабки учрашувдаёқ украиналик Дмитрий Поляковдан мағлубиятга учраган эди. Марин, аксинча, барча рақибларини катта устунлик билан ютганди. «Президент кубоги» турнирида биринчи марта қатнашаётган испан теннисчиси дастлабки учрашувда исроиллик Нюр Велгренни осонлик билан (6/1,6/2) мағлуб этди.

Матбуот конференциясида Олег Огородов ҳозир ўзининг оғир дамларини бошидан кечираётганлигини, яхши спорт формасида эмаслигини, яхши мураббийга эҳтиёж сезаётганли-гини эътироф этди.

Дастлабки учрашувда ғалаба қозонган швейцариялик Иво Хубергер, «Президент кубоги» иккинчи халқаро турнирида қатнашиб, чорак финалда Карим Аламидан мағлубиятга учраган испаниялик Эмилио Альварез, болгариялик машҳур футболчи Христо Стоичковнинг дўсти Орлин Станойчев, словакиялик Мартин Хромек, «Президент кубоги» иккинчи халқаро турнирининг ярим финалчиси, франциялик Фредрик Фонтаж ва юртимизга иккинчи марта келган испаниялик Атилла Саволт нимчорак финалга йўлланма олишди.

Кеча 1/8 финал ўйинлари бошланди ва жуфтликлар ҳам баҳсларга киришишди.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА: «Президент кубоги» учинчи халқаро турнирининг бош ҳаками Данни Гали навбатдаги учрашув натижасини қайд этаяпти; Украиналик теннисчи Дмитрий Поляков биринчи марта «Юнусобод» кортига чиқишга муваффақ бўлди.***

**А. КОНДРАШКИН суратга олган.**

# ҲАЛИ ҲАММА БАҲСЛАР ОЛДИНДА

**Турнирнинг «Иккинчи ракеткаси соҳиби» О. ОГОРОДОВ билан суҳбат**

— Олег, томошабинлар сизнинг кортга чиқишингизни катта иштиёқ билан орзиқиб кутишган эди. Лекин сиз дастлабки учрашувда ғолиб чиққан бўлсангиз-да, суст ўйин кўрсатдингиз.

— Ҳамма нарса кайфият билан боғлиқ экан. Мен ушбу турнир баҳсларини бунчалик тушкун кайфиятда бошлайман, деб ўйламаган эдим. Ўйин давомида ҳам негадир асабийлашиб кетиб, оз бўлмаса ўйинни бой бериб қўяёздим. Рақибим италиялик теннисчи Фабио Магги ҳам менинг бу ҳолатимдан воқиф бўлгач, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди.

— Энди тушкун кайфиятингиз ўтиб кетгандир, ғолиб чиқдингиз-ку?

— Очиғини айтсам, бу йил менга омадсиз келди. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Челленжер» баҳсларида рейтинг жиҳатдан энг кучли ракеткачилардан бири саналсам-да, турнирнинг энг паст кўрсаткичли ўйинчиларидан бирига ютқазиб қўйдим. Маггини ютишим тасодифан юз



бермади, у чарчаб қолди.

— Турнирдан сўнгги режаларингиз қандай?

— «Президент кубоги» турнири якунлангач, кўп ўтмай бу ерда анъанавий «Девис кубоги» учун баҳслар бошланади. Мен унгача Ҳиндистонга бориб келаман. У ёқда ҳам «Челленжер» тоифасидаги халқаро турнир мусобақалари бўлиб ўтади. Сафардан қайтиб келгач, «Девис кубоги» учун беллашаман. Менга шуларнинг ўзи катта тажриба мактаби бўлса ажаб эмас.

— Ундай бўлса, ҳали ҳаммаси олдинда, Олег! Сизга куч-қувват, энг муҳими — хуш кайфият тилаймиз.

— Санкию.

# «БИЗДА ТЕННИС ЎЗБЕКИСТОНДАГИДЕК КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗГАН ЭМАС»

**Орлин СТАНОЙЧЕВ (Болгария):**

— Гапнинг лўндасини айтганда, мен Тошкентда учинчи марта ўтказилаётган анъанавий «Президент кубоги» турнирига жуда хуш кайфиятда — пухта ҳозирлик кўриб келган эдим. Шунинг фойдаси асосий сетдаги биринчи ўйинимда қийинчиликсиз муваффақият қозондим.

Ёшим 24 да, Теннис билан атиги уч йилдан бери жиддий шуғуллана бошладим. «Президент кубоги» мен учун жуда катта турнир ҳисобланади. Бизда теннис Ўзбекистондагидек кенг қулоч ёйган эмас. Мақтаниш эмасу, мен Болгариянинг энг кучли ўйинчиси ҳисобланаман. Жуфтлик баҳсларида мен сизларнинг Огородовингиз билан бирга ўйнар эканман, тажрибасизлик қилиб, уни уялтириб қўймасмиканман, деб чўчиб турибман.

*Сўз — томошабинга*

# «ТУРНИР ЖУДА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТАЯПТИ»

**Шуҳрат МУРОДОВ, ҳарбий академия офицери:**

— Ҳарбийлар ўртасида ҳам спортнинг бу турини оммавийлаштириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Республикамиздаги ҳарбий ўқув юртларида, қисм ва бўлинмаларда ҳам теннис кортлари қуриш ҳамда аскарларнинг мароқли дам олишлари учун қизиқарли теннис мусобақалари ташкил этиш одат тусига кириб бораётир. Айтиш мумкинки, эндиликда деярли барча жамоаларимизда ҳеч бўлмаганда стол тенниси бор. Академиямизда эса теннис қонун-қоидалари бўйича сабоқ бериш учун махсус соатлар ҳам ажратилган.



Курсант ва аркарларимиз мазкур мафтункор спорт ўйинини чуқурроқ ўзлаштириб олишлари учун уларни ҳар куни «Юнусобод» теннис мажмуидаги халқаро мусобақаларга галма-гал томошага олиб келаяпмиз. Бу ерда бир-биридан қизиқарли, ҳаяжонли ўйинлар бўлиб ўтаётир. Бир марта келиб томоша қилган киши яна олиб келишимизни илтимос қилаяпти. Уларни сўнгги ўйин натижалари билан бохабар қилиш учун теннисни ёритаётган газеталардан мунтазам олиб турамиз.

Суҳбатларни Ўктам ДЎСТЁР ёзиб олди.



# «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

**бадиий почта маркаси муомалага чиқарилди**

Президент кубоги учун теннис бўйича халқаро мусобақаларга бағишлаб «Ўзбекистон маркаси» нашриёт маркази томонидан тайёрланиб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан почта маркаси, махсус тамға ва почта карточкаси муомалага чиқарилди.

Почта маркасини, махсус тамға ва почта карточкасини ёш рассом Х. Меҳмонов тасвирлаган.

Почта маркасида Президент кубоги тасвирланган. Марка икки хил рангда. Катталиги 26х37 мм. Нархи 12-00 сўм.

Почта карточкасида ҳам Президент кубоги тасвирланган.

Марка ва почта карточкасида қуйидаги ёзувлар ёзилган: «Ўзбекистон Республикаси теннис бўйича Президент кубоги мусобақалари».

Махсус тамғага теннис ракеткаси ва коптоги тасвирланган. Тамғанинг диаметри 40 мм.

Ҳурматли пойтахтимиз меҳмонлари ва филателистлар! 1996 йил 8 сентябрь куни «Тошкент почтамп»да халқаро теннис турнирига бағишланган махсус тамға жўнатиладиган хатхабарларга босилади.

Ўз коллекцияларингизни ёқимли эсдалик маркаси билан тўлдириш имкониятини қўлдан берманг.

**С. ҲАСАНОВА.**


**КОРХОНА**
Т-28х4, МТЗ-80
(3 ва 4 ғилдиракли)
тракторларини сотувга қўяди.
*Ҳисоб-китоб пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.*
**Мурожаат учун телефон: (3712) 48-43-20.**

*"Амбер Энтерпрайзес"*
**фирмаси (Покистон)**
*чарм курткалар, плашлар ва халқ истеъмоли моллари сотадиган иккита янги дўконни қуйидаги манзилларда очди:*
1. ЧОРСУ - "Болалар дунёси", 2-қават.
2. ЧИЛОНЗОР - "Савдо маркази", 2-қават махсус чармдан тайёрланган моллар бўлими.
*Тўлов шакли — турлича.*

**"Ўзенгсанлойиҳа" /ГПИ-4/**
*лойиҳалаш институти*
**кичик, ўрта, йирик корхоналар қурилишлари учун қуйидаги комплекс лойиҳалаштириш ишларини бажаради:**
*** *пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктлари;*
*** *уруғлик чигит тайёрловчи цехлар;*
*** *пахта толаси ва бошқа енгил саноат маҳсулотларини сақлаш базалари;*
*** *пиллакашлик фабрикалари;*
*** *йигириш, тўқиш, пардозлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тўқимачилик комбинатлари;*
*** *йигирув-тўқув фабрикалари;*
*** *тикувчилик-трикотаж фабрикалари;*
*** *пардозлаш цехлари, ишлаб чиқариш ёрдамчи цехлари ва омборхоналар;*
*** *маъмурий-маиший ва ижтимоий-маданий, маиший қурилиш иншоотлари.*
**Манзил: Тошкент шаҳри, А. Тўқай кучаси, 85-уй. Тел.: 33-16-04, 33-42-44.**

**"Зафар" ўзбек-хитой қўшма корхонаси**
Тошкентдаги ўз омборхоналаридан қуйидагиларни нақд пулга сотади:
* оқ-қора тасвирли телевизорлар (35 см. диогоналли);
* Россия корхоналарида тайёрланган, КАМАЗ, МАЗ русумли автомобиллар учун шиналар.



**БИЗДАГИ НАРХЛАР ЭНГ АРЗОН!**
Ташриф буюринг: Тошкент шаҳри, Қорақамиш кўчаси, 2-уй, "Зенит" заводи биносида.
Телефон: (3712) 21-07-21.

**Ташкилот Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан ёки векселга Т-4 ва буғдой комбайларнинг эҳтиёт қисмларини тавсия қилади:**
* *ёнилғи насоси 03-16с1;*
* *ёнилғи насоси 444-16с1;*
* *помпа 16с30;*
* *плунжер параси 445-16с15;*
* *ремен 14-1328;*
* *сальник 140х170;*
* *распредвал 14-05с7;*
* *блок головкаси 43-06с-9;*
* *муфта 41-21с17;*
* *подшипник 207;*
* *пуркагич 6А1-20с2д;*
* *пуркагич 6А1-20с2-60;*
* *пуркагич 6А1-20с2-50;*
* *пуркагич 11ТА-20с2-01;*
* *сув насоси 01-13с13-2а;*
* *сув насоси 41-13с13;*
* *мой насоси 11ТА-09с2;*
* *диск 01м-21сб;*
* *муфта 01м-21с9;*
* *сцепления вали 01м-21с16;*
* *диск 01м-2104, 01м-2105;*
* *упор 01м-2121;*
* *т/провод 41-15с21;*
* *тормоз лентаси 90/6;*
* *автошина 320х508 (МАЗ).*
**Телефонлар: 68-57-11, 68-06-20.**


«Центразспецмонтаж» корпорацияси жамоаси «Тошкент» аэропорти директори Абдулла Арапбоевга ини
**Ибодулла АРАПБОЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси бошқаруви «Тошкент вилоят савдо» ҳиссадорлик компаниясининг раиси Г. Турсуновга отаси
**Отабой ТУРСУНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0509 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.** **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.** **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.** Босишга топширилди — 23.01 1 2 3 4 5 6